

## МИЛЛИЙ БОҒЛАРДА ФУНКЦИОНАЛ ЗОНАЛАРГА АЖРАТИШДА ГАТ-ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

М. Н. Деканбаева

Фарғона давлат университети катта ўқитувчиси

Р. Мустаев

Фарғона давлат университети ўқитувчиси

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола миллий боғларнинг ҳудудларни функционал жиҳатдан зоналарга ажратишнинг геоэкологик жиҳатларини ўрганиша қаратилган бўлиб, бу жараёнда ГАТ технологиясидан фойдаланиш усусларини тахлил қилинган.

**Калит сўзлар.** Миллий боғ, ГАТ, экологик каркас, геоэкология, барқарор ривожланиш, қўриқхона, экотизим, туризим.

### ABSTRACT

This article is aimed at studying the geoecological aspects of the functional zoning of national parks, and analyzes the methods of using GAT technology in this process.

**Keywords.** National park, GAT, ecological framework, geoecology, sustainable development, nature reserve, ecosystem, tourism.

### КИРИШ

Жаҳонда инсон фаолияти таъсирига учрамаган ва табиий ландшафтларни саклаш, ўсимликлар ва ҳайвонот олами ва уларнинг яшаш мухитини муҳофаза қилиш ҳамда улардан илмий ва ўкув амалий соҳаларда фойдаланиш иконини берувчи муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни аниқлаш ҳамда улрани ГАТ-технологиялари ёрдамида баҳолашга бўлган эҳтиёж йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, БМТнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш бўйича дастурида “қуруқлик экосистемаларини муҳофаза қилиш ва тиклаш, улардан оқилона фойдаланиш, ўрмонларни рационал бошқариш, чўлланишга қарши курашиш, ерларнинг деградациясини тўхтатиш ва биологик хилма-хиллик йўқолишининг олдини олиш” бўйича вазифалар белгилаб берилган. ГАТ-технологиялари ёрдамида ҳудудларни экологик карталаштириш, шу жумладан миллий боғ ҳудудларини

функционал зоналарга ажратишида аналитик ва синтетик карталарни яратишини тақозо этади.

Республикамизда табиатни муҳофаза қилиш соҳаларида ГАТ технологиялари, жумладан AtlasGIS, WinGIS, ArcInfo, MapInfo, ArcGIS, QGIS (АҚШ), GeoDraw GeoGraph (Россия) дастурлари, Hydrus 1D (Германия) моделида карталар яратиш, аэрокосмик суратларни юклаш, тасвиirlарни қайта ишлаш, рақамлаштириш ва векторлаштириш, маълумотлар базасини яратиш, картографик тасвиirlаш белгиларини қуриш, диаграммаларни тузиш ва моделлаштириш юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу вазифаларни амалга оширишда, ГАТ технологияларини қўллаган ҳолда миллий боғларнинг ҳудудларини зоналарга ажратиш, уларда юзага келиши мумкин бўлган экологик ҳолатни карталаштириш ва моделлаштириш муҳим аҳамият касб этади [2, 12].

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Экологик картографияни ривожлантириш ва тадқиқ қилиш, экологик карталарни яратиш борасида илмий тадқиқот ишлари Randel Washburne, W.Hartman, А.М.Берлянт, А.П.Золовский, Б.Е.Кочуров, Ф.Ҳ.Ҳикматов Ю.Ахмадалиев, А.Нигматов, В.А.Рафиқов, Ш.М.Шарипов, О.И.Абдуғаниев ва К.Хакимовалар томонидан амалга оширилган. Экологик атласлар яратиш бўйича Review of Napa Valley Historical Ecology Atlas (2012), Ecological Atlas of Alaska (2016), Россия Федерацииси экологик атласи (2002), Москва области экологик атласи (2012) каби ишларда муайян тадқиқотлар олиб борилган ҳамда уларнинг барчаси маълум даражада ижобий натижаларга эришилган.

Бу тадқиқотлар экологик картографияни географик жиҳатларининг илмий асосларини такомиллаштириш учун муайян имкониятларни беради. Бирок, юқоридаги тадқиқотларда алоҳида миллий боғларни зоналарга ажратишида ГАТ-технологиялардан фойдаланишнинг илмий-назарий асослари муайян узвийлика ўрганилмаган, атласлари яратилмаган [3, 4].

## НАТИЖА ВА МУҲОКАМАЛАР

Миллий боғларда функционал зоналарнинг сони ҳудуднинг табиий хусусиятларига ва мавжуд фойдаланиш моҳиятига боғлиқ ҳолда белгиланади. Юқоридаги тадқиқотчилар томонидан функционал зоналарнинг чегаралари ердан фойдаланишнинг мавжуд контурларига ёки ҳудудий бошқарувга имкон қадар кўпроқ мос келиши асослаб берилган. Жойни ташқи кўриниши чизиқли шаклда

ориентирлашни амалга оширишда сув ҳавзалари, дарё ирмоғи, йўллар, экологик сўқмоқлар ва бошқалар ҳисобга олинган. Шу билан бирга, айrim ҳолларда миллий боғнинг функционал зонларининг ичидаги алоҳидаги субзонлар ёки ҳудудларни ажратилиши мумкин. Бундай ҳудудлар, биринчи навбатда, миллий боғни ёки табиатни маҳсус муҳофаза қилиш режимига эга бўлган зоналарда бўлиши керак [3, 5, 6].

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида давлат Конунларида миллий боғларда бир-биридан функционал фарқланувчи турли зоналарга ажратилган. Масалан, Россия федерал қонунида миллий боғлар 7 та зонага бўлинган:

- қўриқхона (асосий функцияси – табиий комплекслар ва обьектларни ҳамда уларнинг табиий ҳолатини сақланиш) зонаси;
- алоҳидаги муҳофаза қилинадиган (алоҳидаги табиий мажмуалар ва обьектларни сақлаб туриш учун шароитни таъминлаш) зона;
- таништурув туризми (экологик таълим-тарбия бериш ва диққатга сазовор обьектлар билан таништириш) учун ажратилган ҳудуд;
- рекрецион (табиий шароитда дам олишни ташкиллаш) зона;
- тарихий-маданий обьектларни муҳофаза қилиш (тарихий ва маданий обьектларни сақлаб қолиш учун шароитни таъминлаш) зонаси;
- миллий боғ ҳудудига ташриф буюрувчиларга хизмат қўрсатиш (кечки тунаш жойлар, чодир лагерлари, маданий дам олиш, майший, ахборот ва бошқа сайёҳлик хизматлари) учун мўлжалланган ҳудудлар;
- хўжалик мақсадлар (миллий боғнинг функционал зоналарини фаолиятини таъминлашда зарур бўлган хўжалик фаолиятни амалга ошириш) учун ажратилган ҳудудлар.

Айниқса, маҳаллий аҳоли яшайдиган ҳудудларда яратилган миллий боғларга алоҳидаги қаратилади. Юқоридаги функционал зоналарга қўшимча равишда, аҳолининг тириқчилик эҳтиёжларини қондириш учун бу ерда анъанавий табиатдан фойдаланиш ҳудуди ажратилади. Бундай ҳудуд доирасида ов хўжалигини юритиш ёки балиқ овлаш, мевалар ва қўзиқоринларни йиғиши, ҳалқ ҳунармандчилигини ва бошқаларга рухсат берилиши мумкин.

Мураккаб зоналар тизими фақат баъзи ҳолларда зарур ҳисобланади: қайердаки, мавжуд табиат комплекси ва ҳудуддан фойдаланиш ҳусусияти ҳаддан ташқари жуда майдалашган холатда бўлса. Бироқ, бундай ҳолатларда, юқоридагиларни этиборга олиб, ҳар қандай йўл билан миллий боғ моделини соддалаштириш учун ҳаракат қилиш керак. Бундай соддалаштириш усусларидан бири функцияси

бир бирига яқин бўлган зоналарни бирлаштириш хисобланади. Масалан, бундай усул ёрдамида Болтиқбўйи давлатларида миллий боғларни моделлаштиришда фойдаланиб келмоқдалар. Натижада, Болтиқбўйи давлатларида миллий боғлар 5 та асосий функционал зонага ажратилган:

- қўриқхона режимига эга ҳудудлар,
- рекреация ва танишув туризми учун ажратилган ҳудудлар,
- меҳмон ёки ташриф буорувчиларга хизмат кўрсатиш зоналари,
- анъанавий табиатдан фойдаланиш зonasи,
- хўжалик мақсадлари учун мўлжалланган ҳудудлар.

Юқорида келтирилган миллий боғнинг моделига эътибор қаратилса, сайёҳларни дам олиши ва танишув туризми вазифалари бажарувчи ҳудудлар миллий боғда бир зонага бирлаштирилган. Миллий боғ, шунингдек қўриқхоналарнинг атрофида қўриқланма зонаси ажратилади. Қўриқланма зоналар муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга салбий таъсирнинг олдини олиш мақсадида хўжалик фаолияти ва бошқа фаолият чекланади ёки тақиқланади [7, 8]. Шунингдек, бундай зонанинг кенглиги табиий ва ижтимоий-иктисодий шароитларга боғлиқ. Ҳимоя зоналарнинг ўлчамлари ва режими, шунингдек ер участкаларини сақлаш вазифаси муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш билан бир вақтда белгиланади. Бундай зоналар ҳудуди собиқ ер эгалари назорати остидадир, аммо иқтисодий фаолият миллий боғнинг маъмурияти билан мувофиқлаштирилган бўлиши шарт.

Қўриқланма зоналар иш режими, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуннинг 47-моддасида келтирилган. ни таҳлил қилиб, бу масалада иккита асосий фаолият гуруҳини ажратиш мумкин. Давлат қўриқхонаси қўриқланма зонасининг бир қисми экологик туризмни ташкил этиш, мазкур ҳудуд учун хос бўлган камёб ҳамда йўқолиб кетиши хавфи остида турган ўсимликлар ва ҳайвонларнинг турларини кўпайтириш мақсадида табиий питомниклар барпо этиш учун ҳамда қўриқхонанинг бошқа эҳтиёжлари учун шу қўриқхонанинг ўзига топширилиши мумкин [8, 9]. Юқоридаги талабларни тахлилига кўра барча миллий боғлардаги фаолият турларини икки гурухга жаратиш мумкин. Булардан биринчиси миллий боғларнинг мақсад ва вазифалари ва уларга зид бўлган фаолият турларини миллий боғнинг барча зоналарида тўлиқ тақиқланиши:

- фойдали қазилмаларни қидириш ва қазиб олиш;
- дараҳт ва буталарни кесиш (парваришлаш ўйсинидаги ва санитария мақсадидаги кесиш бундан мустасно);

- гидрологик ва гидрогеологик режимни ўзгарирадиган ҳаракатлар;
- тупроқ эрозиясга ва тупроқ қопламининг бузилишига олиб келадиган тадбирлар;
- геологик қатламларни очилиб қолишига ва бузилишига;
- ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг таназзулини келтириб чиқарувчи ҳаракатлар (ов қилиш);
- табиат боғларининг фаолияти билан боғлиқ бўлмаган йўл ва муҳандислик-коммуникация ишларини (йўллар, қувурлар, электр узатиш линиялари ва бошқа коммуникациялар қуриш ишлари) амалга ошириш;
- чиқиндиларни сақлаш ва кўмиш, оқова сувларни оқизиш;
- тирик организмларнинг янги ва кенжা турларини иқлимлаштириш мақсадида жойлаштириш;
- тарихий ва маданий аҳамиятга эга бўлган объектларга зиён келтириш ва улар олиб кетиш кабилар.

Бу турли миллий боғлардаги амалга оширилган функциянал зонирлаш амалиётидан далолат беради. Турли миллий боғлардаги ҳар бир зонанинг катталигидаги фарқлар нисбати ўзгариб туради. Масалан, Приелбрус миллий боғида қўриқхона зонасининг улуши 73% бўлса, "Россия Шимоли" миллий боғида бу кўрсаткич 1%га teng. Бироқ, бу миллий боғларда табиий комплексларни муҳофаза қилишни белгилаб берувчи кўрсаткич ҳисобланмайди.

Бироқ, юқорида режалаштирилиши мумкин бўлган тадбирларнинг барчаси фақат миллий боғнинг хўжалик учун фойдаланишга ажратилган ҳудудларда амалга оширилади. Кўриқхона режимидағи ёки бошқа функционал зоналарда тадбирларни ўtkaziy миллий боғ директори билан келишилган ҳолда рухсат берилади. Функционал зонирлашнинг алоҳида турларини тахлил этишда, баъзи тадқиқотчилар томонидан амалиётда алоҳида зоналар майдонинг оптимал нисбати белгиб ўтилганлигини ҳам айтиб ўтиш зарур [10, 11].

Масалан, Н.М.Забелиннинг (1987) фикрича, ушбу турдаги меъёрларни қўллаш мақсадга мувофиқ эмас: "Зоналарга ажратиш–механик жараён эмас, балки нисбатан иирик минтақанинг табиий ва хўжалик вазиятини аниқлашда ажратиб олинган ҳудуднинг ресурсларини кўп кўрсаткичли инвентаризация қилиш натижаси ҳисобланади". Мантиқий эчимлар қонунга нисбатан самаралироқ бўлиб, белгиланган мақсадларга эришишга имкон беради. Бу норматив ёндашишдан кўра, илмий дунёқараш учун кўпроқ мос келади " [1].



## ХУЛОСА

Миллий боғларда табиий объектлар ва мажмуаларга зарар етказиши мумкин бўлган фаолиятнинг бошқа турлари ҳам чекланиши ёки тақиқланиши мумкин. Миллий боғнинг функционал фаолиятига зид келмайдиган хўжалик фаолиятнинг бошқа турлари ҳам амалга оширилади, шунинг учун, муҳофазага олинган табиий муҳитда маҳаллий кўламдаги ўзгаришлар содир бўлиб туради.

Шундай қилиб, миллий боғ моделини тузишда анъанавий табиатни бошқариш худуди билан биргаликда 8 та функционал зона ажратиш мумкин. Бироқ, ҳозирги кунда фаолият юритаётган миллий боғларда функционал зоналарнинг сони камдан-кам ҳолларда 5 дан ошади, чунки амалиёт шуни кўрсатадики, ажратилган ҳудудлар қанча кўп бўлса, шунчалик уларни зонирлаш таркиби ва бошқариш жараёни ҳам муракаббалашади. Бундан ташқари, мураккаб зонирлаш тизимиға эга миллий боғларда маҳаллий аҳолининг мослашиши ҳам қийинлашади. Чунки, аҳоли учун ҳар бир ажратилган зонада табиатдан фойдаланиш бўйича белгиланган чекловларга амал қилган холда иш фаолиятини ташкил этиш муракаб жараён хисобланади. Шу билан бирга, қонуни бузишлар, турли хил зиддиятли вазиятлар, кескинликлар ва қийинчиликларнинг сони ортиб боради.

Масалан, миллий боғларнинг фаолият кўрсатиши учун йўллар, бошқа коммуникациялар ва иншоотлар қурилиши зарур бўлган ҳолларда бузилган ерларни рекультивация қилиш, барча табиатни муҳофaza қилиш йўналишидаги тадбирларни амалга ошириш ва бошқалар. Шунингдек, айрим тадбирлар махсус ажратилган ёки олдиндан режалаштирилган жойларда ўтказилади. Масалан, туристларнинг дам олишлари учун мўлжалланган ҳудудлар, махсус ўт ёқиши учун жойлар, ҳаваскорларни балиқ овини ташкил этишга, шунингдек, фестиваллар, оммавий спорт мусобақалар ва кўнгилочар тадбирларни ташкил этишга рухсат берилади.

## REFERENCES

1. Забелина Н.М. Национальный парк. –М.: Мысль. 1987. -170 с
2. Абдуганиев О. И., Махкамов Э. Г. Географические особенности организации туристско-рекреационной деятельности в охраняемых природных территорий //Экономика и социум. – 2019. – №. 9. – С. 383-390.
3. Isomiddinovich, A.O. , Mahkamov, E. and Bahrom, N. 2022. Geographic Aspects of Organizing Tourism in Protected Natural Areas. *Miasto Przyszlosci*. 27, (Sep. 2022), 82–85.

4. Olimjon I. Abduganiev, & Elyorbek G. Makhkamov. (2022). ECOLOGICAL TOURISM IN PROTECTED NATURAL AREAS. *Journal of Geography and Natural Resources*, 2(02), 25–32. <https://doi.org/10.37547/supsci-jgnr-02-02-04>  
More Citation Formats.
5. Isomiddinovich, A. O., Mahkamov, E., & Bahrom, N. (2022). Geographic Aspects of Organizing Tourism in Protected Natural Areas. *Miasto Przyszłości*, 27, 82–85. Retrieved from <http://miastoprzyszlosci.com.pl/index.php/mp/article/view/500>.
6. Олимжон Исомиддинович, А. ., & Фарангиз Ботиржон қизи, Ф. . (2022). ЛАНДШАФТ ВА БИОЛОГИК ХИЛМА-ХИЛЛИКНИ ГАТ-ТАХЛИЛ АСОСИДА БАҲОЛАШ. *Новости образования: исследование в XXI веке*, 1(1), 53–58. извлечено от <http://nauchniyimpuls.ru/index.php/noiv/article/view/98>.
7. Dekhkanbaeva M. N. Prospects Of Tourism Development In Uzbekistan //The American Journal of Applied sciences. – 2022. – Т. 3. – №. 02. – С. 95-99.
8. Dehkanbayeva M. N. TERRITORIAL LOCATION AND FUNCTION OF SACRED LANDSCAPES (FERGANA REGION) //Экономика и социум. – 2019. – №. 11. – С. 919-921.
9. Isomiddinovich A. O. et al. Tourism Potential of Protected Natural Areas and Problems of Its Use //Texas Journal of Multidisciplinary Studies. – 2022. – Т. 9. – С. 162-166.
10. Хамидов А. А., Дехканбаева М. Н. ИССЛЕДОВАНИЕ БИОГЕОГРАФИЧЕСКИХ ОСОБЕННОСТЕЙ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. 5. – С. 881-886.
11. Дехканбаева М. Н., Накибов К., Мустаев Р. ГЕОГРАФИЧЕСКОЕ ИЗУЧЕНИЕ ОПУСТЫНИВАНИЯ //Экономика и социум. – 2019. – №. 11. – С. 939-942.
12. Пиньковский М. Д. и др. Научное обоснование ГАТ" Сочинский национальный парк". – 2011.